

КУН
НАФАСИ

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 27 ноябрь кунин Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири **Холид ал-Фалих** бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 27 ноябрь кунин Саудиянинг етакчи «ACWA Power» компанияси билан амалга оширилаётган лойиҳалар – Сирдарё вилоятида 1500 мегаватт қувватли замонавий буғ-газ электр станциясини тармоққа улаш ҳамда Тошкент вилоятида «**яшил водород**»ни «пилот» тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишни бошлаш маросимида иштирок этди.

◆ Президентнинг «**Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги фармони қабул қилинди.

◆ Вена шаҳрида Ўзбекистоннинг фавкулдда ва мухтор элчиси Бахтиёр Ибрагимовнинг Австрия президенти Александр Ван дер Белленга **ишонч ёрлиқларини топшириш расмий маросими** бўлиб ўтди.

◆ БМТнинг чўлланиш тўғрисидаги конвенцияси (CRIC-21) ижросини куриб чиқиш кўмитасининг 21-йигилиши доирасида БМТ бош котиби ўринбосари, Чўлланишга қарши кураш конвенцияси (UNCCD) ижрочи котиби **Иброҳим Тиау Қорақалпоғистон Республикасига ташир буюрди.**

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили **Исматулла Эргашев** Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) Афғонистон бўйича махсус вакили **Тариқ Бахит** билан учрашди.

2023-yil
28-noyabr
seshanba
№ 147
(4899)

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

Ishonch

Оʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

«КЎРИНМАС ҚЎЛ»
ЧАНГАЛИДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

CO2

3

Жиззах
вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ўқитувчи **ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига Ғаллаорол туманидаги 3-дават мактабгача таълим ташкилотига қарашли 1-мактаб қошида очилган «Бойчечак» қисқа гуруҳида мусиқа ўргатувчиси Дилором Абдурасулова иш берувчининг буйруғи билан ноқонуний бўшатишгани, ташкилотнинг яна бир ходимаси Наргиза Тўраева интизомий жазо чораси нотўғри қўлланилгани юзасидан арз қилишди.

Мурожаат касаба уюшмалари мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, Дилором Абдурасулова «Бойчечак» қисқа гуруҳида 0,5 ставкада мусиқа ўргатувчи бўлиб меҳнат шартномаси асосида ишлаб келган. Аммо иш берувчининг 2023 йил 1 июндаги буйруғига кўра, мазкур гуруҳда болалар сони кам, етарли шaroит мавжуд эмас, деган вaж билан жорий йилнинг 1 июнидан «Бойчечак» гуруҳи фаолияти тугатилган. Д.Абдурасулова эса мактабгача таълим ташкилоти маъмуриятининг 2023 йил 14 июлдаги буйруғи билан ишдан бўшатишган.

Ўрганиш давомида бу жараёнда меҳнат қонунчилиги бузилгани аниқланиб, Дилором Абдурасуловани 0,5 ставка мусиқачи вазифасига ишга қайтариш ҳақида иш берувчига тақдимнома киритилган. Бироқ тақдимнома қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол туманлараро судига даъво-ариза киритилди. Суднинг 2023 йил 18 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилиб, Д.Абдурасулова 0,5 ставка мусиқа ўқитувчиси вазифасига ишга тикланди. Унинг фойдасига иш берувчидан 2 миллион 600 минг сўм иш ҳақи ва 5 миллион сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

ҲАЙФСАН НОҚОНУНИЙ
ҚЎЛЛАНИЛГАН

Шу ташкилотда тарбиячи-услубчи вазифасида ишлаб келаётган Наргиза Тўраевага нисбатан эса иш берувчининг жорий йил 14 мартдаги буйруғига кўра ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилган. Унинг мурожаати ҳам ўрганилиб, қонун бузилишига йўл қўйилгани аниқланди.

Бу ҳолат бўйича ҳам судга даъво аризаси киритилди. Ғаллаорол туманлараро суди низони кўриб чиқиб, даъво талабини қаноатлантирди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, Наргиза Тўраевага нисбатан қўлланилган ҳайфсан интизомий жазо чораси бекор қилиниб, унинг фойдасига 500 минг сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

Сардор МЎМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Тошкент
шаҳри

Эътибор

Мурувват
уйига совға

Тошкент шаҳар «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи ҳудудидаги 60 ўринли бино янгидан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда инсон қадри тобора юксалиб бораётганига алоҳида эътибор қаратишди.

Айни пайтда 452 нафар шахс истиқомат қиладиган масканда 200 нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Машғулотлар зали, массаж, физиотерапия хоналари ишлаб турибди. Беморлар тоза ҳавода сайр қилиб, ҳордиқ чиқаришлари учун очиқ спорт майдони, кичик дам олиш зоналари, яшил майдон бунёд этилган.

1979 йилдан буён фаолият олиб бораётган интернат уйи ҳудуди 3,11 гектардан иборат. Қолган 5 та бино ҳам декабрь ойида тўлиқ таъмирдан чиқарилади.

Божхона кўмитаси ҳомийлигида таъмирланган янги бинода ўзгача файз ҳукмрон. Шинам ва ёруғ хоналар, кичик фаоллар зали истиқомат қилувчиларга жуда манзур бўлгани ҳам беҳиз эмас. Қувончли онлар меҳмонларнинг дил сўзлари, илиқ табриклари, куй-кўшиқлар, завқли рақсларга уланиб кетди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши Мурувват уйи учун кир ювиш машинаси тақдим этди.

Тадбирда футбол, шахмат-шашка ва стол тенниси билан мунтазам шуғулланиб келган бир гуруҳ васийликка олинган кишиларга ҳомийларнинг совға-саломлари ҳамда медаллар топширилди.

Гүлюз ФАХРИДИНОВА

«Иш»
«Ishonch»и»
– сарҳисоби

Тақдимот

Бу йил олтинчи бор «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ўзининг йиллик китоб-тўпламини нашрдан чиқарди. Унда 2023 йилнинг янгилик ва воқеаларини ўзида акс эттирган, газетада йил давомида чоп этилган турли мавзулардаги энг сара мақолалар жой олган.

Китоб тақдимотида бағишлаб Миллий матбуот марказида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар унинг аҳамияти, фойдали жиҳатлари ва ёритилган мавзуларга тўхталишди.

Тақдимот аввалида ёзувчи ва публицист, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим, таржимон ва адиб Иброҳим Ғафуров сўзга чиқиб, тўплам ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

– Таҳририятнинг ҳар йили китоб чиқараётганини катта воқелик деб ҳисоблайман, – деди Хуршид Дўстмуҳаммад, бу босма матбуотнинг ҳам байрами десак, муболага бўлмайди. Бундай тўплам босма нашрнинг аҳамиятини, нуфузини кўтаришга хизмат қилади. Мен бир қаламқаш сифатида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятига ҳавасим келди. Ажойиб жамоа тўпланган. Таҳририятнинг ютуғи шундаки, атрофига кўпгина забардаст ташқи муалифлари ҳам жамлай олган. «Йил «Ishonch»и» тўпламида барча мавзулар алоҳида-алоҳида бўлим қилинган. Китобнинг ичига кириб бораверар экансиз, бўлимларнинг салмоғи ҳам ортиб бораверади. Унда берилган мақолаларнинг барча-барчаси шундай танлаб олинганки, улар эътибор билан ўқилади, севиб ўқилади. Мен таҳририят жамоасини мазкур тўплам билан чин юракдан табриклайман!

– Тўпламни тўлиқ ўқиб чиқдим ва ўзимни гўёки тезорар поездда кетаётгандек ҳис этдим, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров. – Бу поезд – ахборот поезди. Китобда бутун республика аҳолисининг ҳаётига дахлдор бўлган масалалар қамраб олинганки, раҳбарликнинг ўрни ва аҳамиятидан тортиб, бугунги коррупциянинг даҳшатли муаммоларигача кўтарилган. Китобда ҳар бир мақола долзарб. Жумладан, Муҳаббат Тўрабоевнинг бир мақоласида дори-дармонлар таъсирида қанчадан-қанча гўдакларнинг ҳаёти хавф остида қолаётгани қаламга олинган. Унинг хулосасидаги бир гап миямга муҳрланиб қолди: «Биз ҳар биримиз ўзимизни ислоҳ қилмасак, дориларга муносабатимизни ўзгартирмасак, соғлиғимиз яхшиланиб қолмайди». Шу маънода айтиш мумкинки, китобдаги ҳар бир мақолани ўқиб, ўзимизни ислоҳ қилишимиз зарурлигини англайсиз.

Тадбир жиддий мулоҳазаларга бой бўлди. Унда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги директори Абдусайд Кўчимов, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори Ҳалим Саидов, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири Миродил Абдураҳмонов, сисбатшунос Фарҳод Толипов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Эъзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

қисқа
рақамли
«Ишонч телефони»,
яъни
«Call-center»га


мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекна қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgiz



Тошкент вилояти

Бўка туманида касабасабам фахрийси, марҳум Турғун Ражабовнинг 100 йиллиги нишонланди.

Хотира уйғонса – гўзал

ЭЗГУЛИКЛАР ЁДИ



Унда касабасабам фаоллари, Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Журналистлар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Тадбирни Тошкент вилояти «Нуроний» жамғармаси раиси Абдусамат Носиров очиб, Турғун Ражабовнинг ҳаёти ва фаолияти, амалга оширган эзгу ишлари, эришган муваффақиятлари ҳақида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди. Шунингдек, марҳум фахрий инсонни ёд олиб, унинг яқинлари, бирга ишлаган ҳамкасблари, шогирдлари кўнгил кечинмаларини баён қилишди.

Турғун Ражабовнинг шогирдларидан бири – Камолжон Шодиметовнинг яқинда нашрдан чиққан «Сузук ота изидан», «Соҳибқирон Амир Темури авлиёлари юртида», «Хотиралар» каби рисоалари йиғилганларга тарқатилди. Камолжон Шодиметов маҳалладаги бекатга марҳумнинг номи берилиши ва тумандаги ўрта мактабларда унинг махсус бурчаги ташкил этилиши таклифини илгари сурди.

Меҳмонлар рисоалар боис марҳум Турғун Ражабов тўғрисида битилган янада кўпроқ маълумотларга эга бўлдилар. Байрам сўнггида дастурхон тузалиб, бир пиёла чой устида самимий суҳбат қурилди.

Дилшод САБДУЛЛАЕВ,
Агротранспорт ходимлари касабасабам уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши масъул ташкилотчиси



Фарғона вилояти

УЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

Ўзбекистон касабасабам уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Учкўприк тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида фаол тадбиркорлар ва иш берувчиларнинг мулоқоти ташкил этилди.

«Кўқон эркин иқтисодий зонаси» дирекциясида бўлиб ўтган учрашувда туман ҳокимлиги вакиллари, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари томонидан мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, опа-сингилларимиз «Бобошбек» ишлаб чиқариш ва савдо комплексида бўлиб, ишчиларга яратилган шaroитлар билан танишдилар. Шу кунги 53 нафар ишсиз хотин-қиз муно-

сиб иш ўринларини танлаган бўлса, 6 нафари шу ернинг ўзидаёқ тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштирилди. Тадбир доирасида тикувчилик билан шуғулланиш истагидаги 22 нафар хотин-қизга тикув машинаси ҳамда 20 нафар ишсиз хотин-қизга электр печи берилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Бир хат изидан

«Сизнинг 2023 йил 23 августдаги МВ-01/78-сонли хатингизни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ушбу хатда вилоят соғлиқни сақлаш ташкилотларида ишловчи ходимларни махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳамда ишчи-ҳодимларнинг кам тулганган меҳнат таътиллари пуллари тўлаб бериш учун қўшимча маблағ ажратилиши сўралган.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2022 йил 29 декабрдаги «Самарқанд вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида вилоят соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар чекланган миқдорда белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 2023 йил вилоят соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар чекланган миқдорлари доирасида хатда сўралган тадбирларни амага ошириш мақсадга мувофиқ».

Имзо. 2023 йил октябрь. 02/03.32/1665-сонли жавоб хати.

Молия мутасаддиси нима демоқчилигини англадингиз, чоғи. Ушбу биргина хат янгилаган Меҳнат кодексига ва шу асосда тузилган жамоа шартномаларида қўзланган меҳнат шaroитларини чиппака чиқарма-яптими?

Бундан кўринадики, касабасабам уюшмаларию, адлиянинг Пастдарғомда ходимлар манфаати йўлидаги икки ойлик меҳнати, бир миллиард сўмдан зиёд қўшимча таътил пуллари ундириш тўғрисидаги тақдирномалари – қилинган шунча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетадиганга ўхшаб турибди.

Аммо жамиятимиздаги «Инсон қадри учун» деган тамойилнинг амалда эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бу масала ҳали якуний нуқтага етган эмас. Демак, мутасаддилар масала ечими хусусида яна бир бор бош қотирса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

МЕХНАТ ЖАМОАСИДАГИ БАХТ

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида боғбонлик қиладиган Алишер Саломов сурункали хасталикдан қийналган турмуш ўртоғини даволатмоқчи бўлди. Ходимнинг ҳолатини чуқур ҳис этган институт касабасабам уюшма қўмитаси унга моддий ёрдам ажратди. Фаррош Розия Турсунова фарзандларига кийим-бош олмоқчи эди. Унинг ҳам мурожаати қаноатлантирилди.

«Кардиология» марказида даволанаётган педагоглар Мейли Сафаров, Илҳом Курбонов, бухгалтерия ходими Норпўлат Аллаевга ҳам касабасабам уюшма қўмитаси билдиришномасига кўра, иш берувчи томонидан моддий ёрдам ажратилди.

«Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедраси лаборанти Гўзал Ўтаева икки қизини бир вақтда турмушга узатди. Бундай пайтда онага ҳар қанча ёрдам кам. Шу боис институт Ижтимоий ҳимоя комиссияси қарори билан мушкул осон бўлди.

Олий ўқув юртида махсус имтиёзга эга ходимлар бор. Жумладан, икки нафар байналмилал жангчи, Черномобиль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган беш нафар, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органларидан нафақага чиққан 11 нафар ходим меҳнат қилади. Уларга йил давомида бир марта шифохонада даволаниш харажатлари, 14 кунлик қўшимча таътил белгиланган.

Жорий йил институтда 100 нафарга яқин ходим республикамизнинг энг намунали сихатҳоҳларида соғломлаштирилди. Доцент Актам Раҳимов «Мироқи», кўп фарзандли ходим, Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Санобар Тўраева «Қашқадарё соҳили» санаторийларида бепул дам олдирилди.

Ҳар ой якунида институт илмий олий органи – Кенгаш йиғилиши ўтказилиб, нафақа ёшига етган ходимларга моддий рағбат кўрсатилади. Бундан ташқари, илмий ишларини ҳимоя қилган ёш олимлар, фан уюқларига эришган ёки унвон олган педагогларга иш берувчи жамғармасидан пул маблағлари ҳамда касабасабам уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари тақдим этиш йўлга қўйилган.

Сўнгги йилларда институтда ички туризм тадбирлари кучайди. Жумладан, хотин-қизлар спартакиада-сида фаол қатнашган 50 нафар ходима Самарқандни, Хотира ва қадрлаш кўни арафасида шунча фахрий Бухорони зиёрат қилди. 21 май – Кутубхоначилар кўни муносабати билан 24 нафар Ахборот-ресурс маркази ходими Самарқандга, илмий ишларини муваффақиятли ёқлаган 46 нафар ходим эса Хоразмга олиб борилиди.

Касабасабам етакчиси Файзиддин Тиловатов ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчи инсон. Шу кунларда институтда қатор танлов ва тадбирлар ўтмоқда. Яқиндагина талабалар ўртасида миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни ўзида мужассам этган «Ош чемпионати» ташкил этилди. Унда еттита факультет ёшлари қатнашиб, ошпазлик маҳоратини синовдан ўт-

лари чўзилаётгани, Самарқанд шаҳар 1-балаalar шифохонаси, 3-туғуруқ мажмуаси, шаҳар кўптармоқли марказий поликлиникасида ва бошқа бир қатор муассасаларда қўшимча таътил пуллари, бошқа кўзда тутилган сарф-харажатлар миқдори ҳам анча маблағни ташкил этади.

– Вазиятнинг бундай тус олганига жим қараб туrolмадик, – дейди меҳнат ҳуқуқ инспектори. – Қўшимча тўловлардан юзага келган қарздорликни бартараф этиш юзасидан жорий йилнинг 23 августидан вилоят молия бошқармасига хат киритдик.

Молия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари О.Оқбўтаев имзолаган жавоб хатидан эса қулишни ҳам, қуйишни ҳам билмайсан. Келинг, уни айнан келтирайлик:

Бошланғич ташкилотларда



Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз

САВОЛ: Қариндошимга асосий иш ўрнидан ташқари яна иккита корхонадан ўриндошлик асосида иш тақлиф қилишмоқда. Унинг бу иш жойларининг ҳар учаласида ҳам ишлашга имконияти бор. Айтинг-чи, ўриндошлик асосида ишлаш ўзи қандай амалга оширилади?

Юлдуз ЭРНАЗАРОВА
Тойлоқ тумани

ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА ИШЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

ЖАВОБ: Ўриндошлик асосида ишлаш ходимнинг алоҳида меҳнат шартномаси шартлари бўйича асосий ишдан бўш вақтида бошқа мунтазам ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир.

Ўриндошлик асосидаги ишни ходим ўзининг асосий иш жойида (ички ўриндошлик) ёки бошқа иш берувчида (ташқи ўриндошлик) ҳам бажариши мумкин. Унинг асосий иш жойи, ушбу иш тўлиқ ёки тўлиқсиз иш вақти шартлари асосида бажарилишидан қатъи назар, меҳнат дафтарчаси юритилаётган иш берувчи томонидан юклатилган вазифа билан бевосита боғлиқ.

Ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади ва иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Асосий иш тўғрисида иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган ходимнинг ички ўриндошлиги чоғида у билан ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида алоҳида меҳнат шартномаси тузилади.

Меҳнат шартномалари, агар бу қонунчиликка зид бўлмаса, бир ёки бир неча иш берувчи билан тузилишига ҳеч бир монелик йўқ. Бу борада тузилган меҳнат шартномасида иш ўриндошлик асосида бажарилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Шунингдек, ўриндошлик асосида ишга қабул қилинаётган шахслар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ҳам мумкин.

Тузилаётган меҳнат шартномасида меҳнат қонунчилигида назарда тутилган умумий шарт-шaroитлар билан бир қаторда, иш вақтининг давомийлиги ва ўриндошлик асосида ишлаш тартиби алоҳида қайд қилинган ҳолда кўрсатилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Аҳолининг банклардаги омонатлари турли хавф-хатарлардан қанчалик ҳимояланган? Банкларнинг тугатилиши ёки киберҳужумлар билан боғлиқ ҳолатларда ми- жозларнинг маблағлари ўз эгала- рига қай тартибда қайтарилади? **Фуқароларнинг банклар- даги омонатларни кафолат- лаш фонди раҳбари Нодир АББОСОВ** билан суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб изладик.

– Нодир ака, сиз раҳбарлик қилаётган фонднинг мақсад ва вазифалари нималар- дан иборат?

– Омонатларни кафолатлаш фонди 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафо- латлари тўғрисида»ги қонун асосида иш олиб боради. Марказий банкдан фаолият кўрсатиши учун лицензия олган, хусусан, омонатлар қа- бул қилиш учун рухсати бор 34 та банк бизга аъзо бўлган. Тартибга кўра, янги очилаётган банк аъзоларимиз сафига кириши учун фонд реестрига кириши лозим. Бунинг учун Марка- зий банкдан молиявий операцияларни амалга ошириш лицензиясини олган банк ва фонд ўр- тасида ёзма битим тузилади. Сўнг банк томо- нидан фондга устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоридagi бадал бирийўла тўланади. Шу би- лан бирга, фондга ҳар чорақда «календарь ба- дали» ҳам тўлаб борилади. У банклар томо- нидан кафолатланиши лозим бўлган фуқаро- лар омонатларининг йил чорагидagi амалдagi қолдиги қараб тўланади ва Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади. Аммо омонатлар суммасининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқ-



дорда бўлиши лозим. Бунинг эвазига фонд банклар омонатларни тўлаб беришга лаёқат- сиз бўлиб қолганида, мавжуд қонунчиликка асосан, фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақларини тўлаб беради.

Ўтган 2022 йилда «Туркистонбанк» бан- кротлик ҳолатига келиб қолгани боис Мар- казий банк томонидан банк операцияларини бажариш учун берилган лицензияси олиб кўйилди. Ундаги 39 мингга яқин омонатчининг омонатлари бўйича ҳақ фонд томонидан юз фоиз, яъни, 300 миллиард сўмга яқин маблағ тўлаб берилди. Ўтган 21 йил ичида фондга аъзо банклар орасида илк бор банкнинг тўловга лаё- қатсизлиги билан тўқнаш келдик. Марказий банк томонидан тўғри ва оқилона сиёсат олиб бори- лгани ҳисобига узоқ давр мобайнида банкларда банкротлик ҳолати юзага келмади.

– Омонатларни кафолатлаш тизими 140 тага яқин давлатда мавжуд бўлиб, улар- нинг 90 фоизи чекланган кафолатлаш ти- зимида фаолият олиб боради. Беларусь, Туркменистон ва Ўзбекистондагига 100 фоиз кафолатлаш усули мавжуд экан. Буни қандай тушунас қилиб?

– Фонд ташкил этилганидан бошлаб 2008 йилгача омонатларнинг кафолатланиши энг кам иш ҳақининг 250 баробарига бўлган. 2008 йилги жаҳон иқтисодий инқирози дав-

рида барча давлатларда бўлгани каби, бизда ҳам аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш, инқироз даврида омонатларни ка- фолатлаш мақсадида юртимизда вақтинчалик 100 фоиз кафолатлаш усулига ўтилди ва ўша усул ҳозирги пайтгача сақланиб қолди. Бу усул аҳоли омонатларини тўлиқ кафолатласа-да, бир қатор камчиликларга эга.

Биринчидан, банклар омонатларни сақлаш ҳақида бош қотирмасдан, боқиманда кайфиятда бўлиб қоладилар. Омонатларни қайтариш фонд зиммасида бўлгани боис банк томонидан юқори таваккалчиликка асосланган операцияларга «кўл уриш», масъулиятсизлик қилиш авж олиши мумкин. Оқибатда фуқаролар маблағлари хавф остида қолади. Чунки банкларда «Фонд омо- натчиларнинг маблағларини қоплаб беради-ку» деган тушунча пайдо бўлиши мумкин. Дунёда Жаҳон банки тамойиллари асосида чеклан- ган кафолатлаш тизими кенг қўлланилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, фонд маблағлари бир вақтнинг ўзида бир нечта банклар бўйича омонатларни қоплаб бериш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Натижада одамлар омонатларини қайтариб олиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келадилар. Дунё таж- рибасида омонатларнинг асосий қисми фонд томонидан қоплаб берилса, қолган қисмини қайтариш масъулияти банклар зиммасига ту-

шади. Биз ҳам аста-секин омонатларни кафо- латлашининг шу усулига ўтиш ниятидамиз. Айни пайтда омонатларни кафолатлашга оид янги қонун лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда ва унга шу йўналишда кўплаб ўзгаришлар ки- ритиш режалаштирилган.

– Сўнгги пайтларда аҳоли пластик кар- тарларидан пул маблағлари ечиб олиниши ҳолатлари кузатилди. Бу одамларда омо- натларга нисбатан ҳам хавотир ҳиссини уй- ғотмоқда. Омонатлар ўғирланганида ёки киберҳужумлар бўлганида, уни қим тўлаб беради, банкми ёки омонатларни кафолат- лаш фонди?

– Дунё тажрибасида бундай ҳолатлар кўп кузатиляпти. Яъни, йирик ва ишончли банклар- нинг ҳам ҳисобрақамларидан хакерлар ёки банкда ишлаган собиқ ишчилар томонидан пул маблағлари ўғирланиши ҳолатлари учраб турибди. Бундай хавфдан ҳеч ким тўлиқ ка- фолатланмаган. Чунки ҳозир ахборот техно- логиялари асри. Уларни мукаммал ўзлаштир- ган одамлар, хоҳласа, уни яхшилик йўлида, хоҳласа, фирибгарлик йўлида ишлатиши мум- кин. Мавжуд қонунчиликка кўра, бундай ҳо- латларда жабрланувчиларнинг маблағларини тиклаб бериш банкнинг зиммасига юкланган. Фондимиз томонидан банк «банкрот» даража- сига келиб қолган, тўлов қобилиятини йўқотган

«Ishonch» интервьюси

тақдирдагига омонат эгаларига компенсация тўлаб берилади. Аммо омонатларга нисбатан ўғирликлар ва киберҳужумлар юз берганида, бу ҳолат тегишли идоралар томонидан ўрга- нилади. Айбдорлар топилиб, улар томонидан йўқотилган маблағлар тўлаб берилади.

– Юқориди янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиляётганини айтиб ўтдингиз. Мазкур лойиҳада қандай жиддий ўзгаришлар бор? Келгусида ушбу ҳужжат қабул қилинса, у маданиятли омонат бозорини ташкил этишга нечоғлиқ шароит яратади?

– Замон жуда тез ўзгармоқда. Омонат- ларни кафолатлаш тизимида ҳам янгилик- лар кўп. Шу билан бирга, янги кўринишдagi хавфлар ҳам. Шу боис лойиҳада дунё молия бозори тамойилларига тўғри келадиган, 99 фоиз омонатчининг омонатини қоплаб бериш имконини берадиган, банклар зиммасига ҳам масъулият юклайдиган тизим ва Фонд томо- нидан чекланган кафолатлаш усулига ўтилиши таклиф қилинмоқда. Шунингдек, кафолатлаш тизими юридик шахсларнинг омонатларини қамраб олиши кўзда тутилмоқда. Тўлов ма- саласида ҳам ижобий ўзгариш бор. Амалдagi қонунчиликка кўра, омонатни тўлаб бериш ҳолати юзага келганда, маблағни тўлаб бе- ришнинг бошланиш муддати 2,5 ой этиб бел- гиланган. Лойиҳада эса бу муддатни босқич- ма-босқич 7 кунга қисқартириш назарда ту- тилмоқда.

Фонд фаолияти «рау бох» моделида бўлган бўлса, эндиликда лойиҳа қонунчиликда тас- диқланса, «rau box +» моделига ўтилади. Ҳо- зир фонд фақат пул маблағларини жамғариш орқали банк омонатларини тўлаб бериш би- лан шуғулланади. «Rau box +» моделида эса нафақат омонатларни тўлаб бериш, балки банкларни соғломлаштириш фаолиятида ҳам иштирок этади. Сабаби, банк банкрот бўлиб, унинг омонатчиларига омонатлари бўйича ҳақ тўлашдан кўра, шу банкни олдиндан соғлом- лаштириш, банкротликка етиб бормасдан кутқариб қолиш афзалроқ. Зеро, банк инқи- розининг олдини олишга камроқ маблағ сарф- ланади. Иккинчи томондан, банк ёпилган тақ- дирда, аҳоли ўртасида ваҳима уйғониши хавфи пайдо бўлади. Банк санацияси (соғломлашти-рилиши) эса бу муаммонинг ҳам олдини олади.

Фонднинг банклар санациясида иштирок этиши ижобий натижалар беради. Энг муҳими, аҳоли маблағларининг қайтарилишига асос бўлувчи имкониятлар мустаҳкамланади.

Зебо НАМОЗОВА
суҳбатлашди



Ўндафтарда қолиб кетган муаммолар қўЙНИМИЗНИ ПУЧ ЁНФОҚҚА ТўЛДИРМАНГ, ЖАНОБЛАР...

Бешариқ тумани Шоберди қишлоғи аҳли кўча йўлларининг ҳолатидан шикоят қи- либ, мутасаддилардан ёрдам сўрамоқда.

Кўча йўлларида ёш болалар тугул, катта ёшдаги одамлар ҳам юришга қийналади. Айниқса, Қа- тортол ва Имом Бухорий кўчаларининг ҳолати анча ачинарли.

Қишлоқ аҳолиси муаммоларини ҳал қилишда кўмак сўраб, мутасаддиларга бир неча йиллардан буён мурожаат қилади. Лекин ҳозиргача бирор на- тижа бўлган эмас.

– Ёшим 66 да. Шу ёшимгача йўллар асфальт бўл- ганини билмайман. Бу борада кўп жойларга му- рожаат қилдик. Лекин мутасаддиларнинг парвойи фалак, – дейди Шоберди қишлоғида яшовчи Оди- нахон Шерматова.

– Бу ерга кўчиб келганимиздан буён йўллар



ўша-ўша, – дейди Дилшоджон Юлдашев. – Бир метри ҳам асфальт бўлмаган. Кўчамизга асфальт ётқизиб беришда маҳаллага, ҳокимиятга ва бошқа тегишли жойларга мурожаат қилганмиз. Лекин бу борада бирор-бир ёрдам кўрсатилмаган.

– 2019 йилда вилоят прокурори Бешариқ ту- манида ўтказган сайёр қабулда ички йўлларни ас- фальтлашда ёрдам сўраган эдик, – дейди Эркин- жон Усмонов. – Ушанда мурожаатимизга жавобан Қатортол кўчасининг 1000 метр қисмига асфальт ётқизиши айтилганди. Бироқ бу ишлар бажарилмасдан, қоғозда қолиб кетди.

Қишлоқ аҳли шу йилнинг ёзида туман халқ қа- булхонасига бориб, кўча йўлларини асфальтлаб бе- ришда кўмак сўраган эди. Ушанда туман ҳокими бу муаммо шу йилнинг якунига қадар ҳал бўлишини айтганди.

– Аввалги йиллардаги мурожаатларни айтмай қўя қолай. Бундан олти ой аввал маҳалла-қўй туман ҳокимининг қабулига бориб, кўча йўлларини ас- фальтлашда кўмак сўраган эди, – дейди Адҳамжон Шукуров. – Ушанда туман ҳокими кўча йўллари 6 ойдан кейин асфальтланишини айтганди. Тўғриси, бу жавобни эшитиб, роса суюндик. Аммо ҳозир- гача бирор ўзгариш бўлгани йўқ.

Ҳокимнинг қабули куни 60-70 нафаргача му- ро- жаатчи келади. Ҳамманинг ҳам мурожаати ҳоким- нинг эсида қолмаслиги табиий, албатта. Лекин ўша пайтда аҳоли муаммоларини ёндафтарига ёзиб ол- ган мулозимлар-чи? Нега улар жим? Ёки улар аҳоли муаммоларини номигагина ёзиб олади, холосми?

Ўйлаймизки, мутасаддилар бу сафар қиш- лоқдаги йўллар билан боғлиқ муаммога эътибор қаратишади. Биз эса мавзуга яна қайтамиз.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

«КўРИНМАС ҚўЛ» ЧАНГАЛИДАН ОГОҲ БўЛАЙЛИК!

«Шу йилнинг 21 ноябрга ўтар кечаси Қўқон шаҳри «Аширқул мерган» МФЙ Қозикалон кўча- сида яшовчи эр-хотин ис газидан заҳарланиб, вафот этди.

М аълумотларга кўра, 50 ёшли К.С ва унинг аёли 45 ёшли К.С.лар- нинг бир нафар фарзанди бўл- ган. Ҳодисага табиий газ тармоғидан газ оқимининг ўчиб-ёниши сабаб бўлгани айтилмоқда».

Матбуотда тарқалган бу хабарга балки сизнинг ҳам кўзингиз тушгандир. Умуман олганда, ҳар йили куз-қиш мав- суми бошланиши билан бу каби хабар- ларни тез-тез ўқияпмиз.

Юқоридagi фожиа эса шу йил ҳисо- бидан иккинчиси. Октябр ёйида ҳам ис газидан бир инсон ҳалок бўлган эди.

Олий Мажлис Сенатининг Мудо- фаа ва хавфсизлик масалалари қўмита- сининг яқинда эълон қилган баёнотига кўра, 2020-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистонда ис гази- дан заҳарланиш билан боғлиқ 245 та но- хуш ҳолат кузатилган. Оқибатда 200 на- фар фуқаро жароҳатланган, 421 нафари ҳалок бўлган.

421 нафар фуқаро... Бу рақамлар ор- тида минглаб одамларнинг тақдири ўз- гариб кетди, ахир. Кимдир онасидан, би- ров отасидан, бошқаси фарзандидан ай- рилди. Мазкур рақамлар ичида бутун бошли оилалар йўқ бўлиб кетган ҳолат- лар ҳам йўқ эмас.

Ўйлаб қоласан киши: бунга ўхшаш кўнгилсизликлар ҳар йили тақрорла- нишига қарамай, ҳали-ҳанузгача бунга барҳам беришнинг чораси топилмапти.

Мутасаддиларнинг эса жавоби шун- дай: «газдан нотўғри фойдаланиш, носоз қурилмани ишлатиш оқибатида...».

Аммо чуқурроқ мушоҳада қилишга уринмаяпмиз. Зеро, ҳеч қачон сабаб- сиз оқибат бўлмайди. Биз эса сабаб қо-



либ, оқибатлар билан курашишга ки- ришамиз. Мисол учун, қаерда ис гази- дан чақнаш ёки ҳалокат содир бўлса, дарҳол «ишчи гуруҳ» тузилади. Тегишли ташкилот ва органлардан тузилган ко- миссия зудлик билан ҳодиса рўй берган жойга етиб боришади. Ҳолатни ўргани- шади, далолатнома тузишади. Жиноят иши очилади. Ўрганишлар ҳулосасида эса газдан нотўғри фойдалангани учун яна фуқаро айбдор бўлади. Шу билан иш ёпилади. Токи ис гази навбатдagi қурбo- нини йиқитмагунча бу масала унутилади. Бирор-бир масъул бу бўйича қатъий чо- ра-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳақида бош қотирмайди.

Умуман, ис гази бўйича қўзғатилган жиноят ишидан бирон-бир наф чиқа- дими? Ҳақиқатан ҳам, айбдорлар жазо- ланадими ёки барча айб хонадон соҳи- бининг ўзига тўнкарилиб, жабрдийда- нинг ўзи жазоланадими?

Афсуски, савол кўп, жавоб эса... Ҳуллас, токи ис газига оид ҳалокат- ларга шунчаки енг учиди қаралар экан,

тузилган далолатномалар, очилган жи- ноят ишлари жавонларда қолиб кета- верар экан, ис газининг олдини олиш борасида жиддий чоралар кўрилмас экан, «кўринмас қўл»нинг қурбонлари кўпаяверади.

Дарвоқе, чора ҳақида. Унинг би- ринчи навбатдagиси табиий газ оқи- мининг ўчиб-ёниши ҳамда унинг пасту баландлиги доимий назоратда бўли- шидир. Кейингиси эса аҳолининг газ- дан ва иситиш мосламаларидан фой- даланиш борасидagi тушунчаларини кенгайтириш, уларнинг доимий соз ҳо- латда бўлишини таъминлаш бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Олдимизда эса қиш... Хушёрроқ тур- сак, насиб бўлса, уни беталафот ўтказиб оламиз. Ва яна бу жараёнда масъулла- рнинг алоҳида эътиборини талаб қилишга ҳам ҳақлимиз.

Сиз-чи, нима дейсиз?

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

